

И.Ф.Д., проф. Бувсара Ташмурадова
Ташкент молия институту

СОЛИҚ РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада солиқ рискларининг моҳияти, юзага келиш сабаблари, солиқ хавфи даражаларини белгилаш, солиқ тўловчиларни сегментлаш, солиқ хавфини таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Солиқ рисклари тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари нуқтаи назаридан баҳо берилган. Солиқ рискларини камайтириш масалаларига эътибор қаратилган. Тадқиқот жараёнида қўлланилган тадқиқот методлари берилган. Таҳлиллар орқали солиқ рискларини башқариш босқичлари, рискларни таҳлил қилиш асосида назорат объектларини аниқлаш тартиби, солиқ рискини аниқлашда фойдаланиладиган манбалар ўрганилган. Таҳлиллар асосида тегишли хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: солиқ риски, солиқ хавфи мезонлари, солиқ хавфи даражаси, солиқ хавфи таҳлили, тадбиркорлик субъектларини сегментлаш, солиқ назорати риски, молиявий жарималар риски.

Prof. Buvsara Tashmuradova
Tashkent Institute of Finance

TAX RISKS AND THEIR MANAGEMENT FEATURES

Abstract. The article discusses the nature of tax risks, their causes, determination of tax risk levels, segmentation of taxpayers, tax risk analysis through the views of various scholars. Tax risks are assessed from the point of view of business entities and tax authorities. The focus is on reducing tax risks. The research methods used in the research process are given. The analysis studies the stages of tax risk management, the procedure for determining the objects of control on the basis of risk analysis, the sources used in determining tax risk. Based on the analysis, relevant conclusions and proposals are given.

Keywords: tax risk, tax risk criteria, tax risk level, tax risk analysis, segmentation of business entities, tax control risk, risk of financial penalties.

Кириш

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар берилиши билан бир қаторда юзага келаётган солиқлар билан боғлиқ рисклар ва уларни башқариш хам бир томондан, тадбиркорларни фаолиятини ҳимоя қилиш ва иккинчи томондан, давлат бюджети даромадлилиги узлуксизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўз долзарблигини сакламоқда. Корхона томондан солиқ риски - солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш билан боғлиқ мажбуриятларини бажаришида юзага келиши мумкин бўлган ва солиқ тўловчиларнинг молиявий йўқотишларига сабаб бўлувчи хавф ҳисобланади. Солиқ хизмати органлари томонидан солиқ риски - солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилмаслик эҳтимоли сифатида баҳоланади. Яъни бунда хавф сифатида солиқ тўловчиларнинг солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ

бюджетга тўламасликлари тушунилади. Корхоналар учун эса солиқ риски ва уни бошқариш заруратини ҳозирги пайтда қўйидагилар тақозо қилмоқда:

- солиқ ҳуқуқбузарликлари бўйича молиявий жарималар ошиши;
- солиқ маъмурчилиги ва унинг бир қисми сифатида солиқ назоратининг такомиллашуви;
- солиқ қонунчилиги тамойилларига конратагентларнинг солиқдан қочиш билан боғлиқ масъулиятни солиқ тўловчи зиммасига юкловчи меъёрларнинг киритилиши;
- солиқларни яшириш билан боғлиқ масалаларни аниқлашда халқаро молия институтлари мутахассисларининг жалб қилиниш;
- солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги ва мураккаблиги, айrim ҳолларда ноаниқлиги ва мунозоралилиги;
- электрон тизим амалга киритилиши, ЭҲФ юритилиши билан боғлиқ муаммолар ва бошқалар.

Давлат солиқ идоралари учун солиқ рискини бошқаришни тақозо қитувчи сабаблар сифатида эса қўйидагиларни келтиришиз мумкин:

- даромадларни яшириш ҳолатларининг кўплиги;
- хусусий ва МЧЖ корхоналарда пул айланмалари миқдорининг ортиши;
- қурилиш соҳасида, ишлаб чиқариш соҳасида солиқни яшириш имкониятларининг мавжудлиги;
- коррупцион тизим ва монополиянинг мавжудлиги;
- умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг бир неча ўн баравар кўпайганлиги ва бошқалардир.

Мақолада, асосан, давлат солиқ идораларида солиқ рискини камайтириш борасида олиб борилаётган тадбирлар ва уларнинг самардорлиги масалаларида тўхталиб ўтамиз.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Солиқ рисклари бўйича тадқиқотлар ўрганилганда бу борада турли хил ёндашувларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Д.Н.Тихонов ва Л.Г.Липниклар ўз илмий ишларида “иқтисодий табиатни ўзгартирувчи икки омил – самарадорлик ва рисклар” [3] га алоҳида эътибор қаратган. Молиявий натижа ва пул оқимлари миқдорида солиқ рисклари туфайли салбий ҳолат юзага келса, бу ҳолатни солиқларни бошқариш борасида самарасиз қарорлари билан изоҳлаш мумкин.

Баъзан солиқ рисклари сифатида янги солиқ тўловларининг амалга киритилиши, тўлов шартлари ва ставкаларининг ўзгариши, солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши билан пайдо бўладиган ташқи рисклар тушунилади [4]. Солиқ рискларининг пайдо бўлиши ички омилларга ҳам боғлиқ бўлиб, “солиқ риски солиқ қонунчилигидаги нокулай ўзгаришлар билан боғлиқ ёки солиқ тўловларини ҳисоблаш вақтида йўл қўйилган хатолар билан боғлиқ молиявий йўқотиш сифатида баҳоланади” [5]. Лекин

солиқ рисклари бўйича ички омиллар фақатгина солиқ хатолари билан чегараланмайди.

Солиқ рискига бирмунча кенгроқ таъриф В.Н.Евстигнеев томонидан таклиф этилган бўлиб, “конкрет солиқ тўловчи учун солиққа тортиш соҳасида пайдо бўлиши мумкин бўлган нокулай оқибатларни баҳолаш” [6] солиқ риски сифатида акс эттирилади, лекин бу мулоҳаза солиқ санкцияси қўлланилиши билан боғланади.

Бошқа томондан солиқ рискларини аниқлашда солиқ санкцияларидан ташқари молиявий йўқотишлар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида Д.Н.Тихонов ва Л.Г.Липниклар алоҳида тўхталиб, бунда “солиқ риски пул эквивалентида акс этадиган солиқларни тўлаш ва оптималлаштириш жараёни билан боғлиқ йўқотиш” [3] сифатида тушунтирилади.

Ўзбекистон хусусий сектори учун хавфларни идентификациялашнинг оптимал модели умумий солиқ идентификациялаш усулининг микрофакторли ёндашувидир. Идентификация потенциал солиқ хавфларининг ва баъзан имкониятларнинг тўлиқ рўйхатини ишлаб чиқаради. Ушбу босқичда Ўзбекистоннинг имтиёзли солиққа тортиш тамойили туфайли саноатга боғлиқ бўлган солиқ рискларини аниқлаш учун корхонанинг ташкилий ва бизнес профилини ҳисобга олиш керак [7].

“Хўжалик субъектлари солиқ рисклари қуйидаги хусусиятларига эгалиги тадқиқ қилинди:

- 1) ноаниқлик – воқелик ривожини аниқ баҳолаш учун етарли маълумотларнинг етишмаслиги билан изоҳланади;
- 2) муқобиллик – воқелик ривожининг камида икки варианти мавжудлигига рискларнинг намоен бўлиши;
- 3) эҳтимоллилик – воқелик бўлишининг математик ҳисоб-китобини олиб бориш имконияти;
- 4) йўқотиш мавжудлиги – кутилмаган вазиятларда рискли ҳолатларнинг ривожланишининг биттасини амалга ошириш;
- 5) бефарқлик – риск субъекти фаолиятига тўғри муносабатда бўлишида рискнинг вужудга келиши, ҳаттоқи у воқеликнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун жавобгарликни охирида олади
- 6) ўзгарувчанлик – алоҳида рискларни амалга ошириш таркиби ва эҳтимоли ҳар доим ҳам барқарор эмас ва у вақт ўтиши ички ва ташқи рискларнинг таъсири билан ўзгаради;” [8].


“Ривожланган мамлакатларнинг солиқ хизматлари ўз фаолиятларини солиқ рискларини комплекс баҳолаш орқали амалга оширади. Риск бошқаруви элементларига асосланган солиқ мониторинги тизими, солиққа оид қонун ҳужжатлари ва маъмурчилигидаги муаммоларни, уларнинг бошланғич босқичларида аниқлаш имконини беради” [9].

Тахлил ва натижалар

Солиқ рискларини тадқиқ қилишда бир қанча эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд. Хусусан, “солиқ рисклари амалда

корпоратив молиявий бошқарув тизимида жиддий эътибор талаб қиласи ва юзага келади. Шундай экан, солиқ рисклари ҳар қандай молиявий операцияни амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим. Бизнинг нуқтаи назаримизча, молиявий бошқарув доирасида хўжалик субъектларини солиқса тортиш борасида фаолият соҳаси бўйича қабул қилинадиган қарорлар сифатини баҳолаш нафақат молиявий натижаларни ва молиявий ҳолатни барқарорлаштириш мақсадида пул оқимларини максималлаштиришга ҳамда ташкилотнинг бозор қиймати ошганлиги билан, шунингдек фаолият юритиш давомида рискларни камайтиришга эришилганлигига ҳам намоён бўлиши керак” [10].

Хозирги пайтда солиқ рискини аниқлаш мезонлари танланган ва маҳсус электрон дастурларга киритилган. Уларда белгиланган мезонларга солиқ тўловчилар маълумотларнинг мос келишига қараб рисклилик даражаси белгиланади ва бу солиқ назоратини танлашга асос бўлади.



1-расм. Солиқ рискини бошқариш босқичлари¹

Бу ҳолат амалиётда ишлатилганда қўпгина муаммоларни келтириб чиқараётганлигига қарамай солиқ тизимини рақамлаштиритиш ва инсон омилини чеклашга хизмат қилмоқда. Солиқ рискини бошқаришда солиқ хавфи даражаси аниқлаш муҳимдир. Бу рискнинг юзага келишининг эҳтимоли ва у олиб келиши мумкин бўлган оқибатлари миқдори сифатида баҳоланади. Кейинги босқич солиқ хавфини таҳлил қилишдир. Бунда солиқ органларида мавжуд маълумотлардан хавфнинг юзага келиши ҳолатлари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни идентификациялаш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этмаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш учун тизимли фойдаланилади. Тадбиркорлик субъектларини сегментлаш босқичи солиқ назорати шаклларини танлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг муайян даврдаги иқтисодий кўрсатгичларига қараб гурухларга ажратишни назарда тутади.

Солиқ рискини бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- сайёр солиқ текширувлари, камерал текширувлари ва солиқ аудити режалаштиришнинг ягона тизимини яратиш;

¹ Муаллиф томонидан тузилган

- тадбиркорлик субъектларининг солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича саводхонлигини ошириш;
- солиқ мажбуриятларини ихтиёрий ва тўлиқ бажарадиган солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш орқали давлат даромадларининг ўсишини таъминлаш;
- яширин иқтисодиёт соҳасида ишлайдиган солиқ тўловчилар сонининг камайтириш;
- солиқ ҳуқуқбузарлиги содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, “солиқ хавфини таҳлил қилиш” натижалари асосида тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ текшируви ташабbusи билан чиқиш;
- солиқ органларининг мавжуд кадрлар ресурсларидан келиб чиқиб солиқ назоратини солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар ва устивор иқтисодий фаолият соҳаларига қаратиш;
- солиқ хавфини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва иқтисодий фаолият соҳасида хуфёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар кўламини қисқартириш;
- солиққа оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш.

Солиқ текширишларини режалаштириш тизими солиқ тизимида энг кўп ўзгартирилаётган соҳа хисобланади. Халқаро молия ташкилотлари ердамида солиққа тортиш соҳасидаги фирибгарликларнинг асосий турлари ва уларни фош этиш юзасидан маҳсус электрон дастурлар ишлаб чиқилди. Буларга қуйидагилар киради:


инсофли солиқ тўловчиларни кўллаб қувватлаш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашибни чеклаш;

солиқ қонунчилиги бузилган тақдирда солиқ тўловчиларга жазо муқаррарлиги;

солиқ текшируви учун обьектларни танлашнинг асосли ва шаффофлиги.

Солиқ текширувларини режалаштириш тизимини ташкил этишда янгича ёндашувга мувоғиқ, сайёр солиқ текширувларини ўтказиш учун обьектларни танлаш ҳар бир босқичида солиқ органига тақдим этиладиган барча маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали амалга оширилиши белгиланади.

Солиқ хавфини таҳлил қилиш, уни амалда қўллаш тартиби, маълумот йиғиши ва қайта ишлаш, баҳолаш, шунингдек солиқ хавфини таҳлил қилишга оид бошқа чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади. Солиқ хавфини бошқаришда қуйидаги тартибда ишлар ташкил этилиши белгиланган (2-расм).



2-расм. Риск-таҳлил асосида назорат обьектларини аниқлаш тартиби [11]

Солик текширувлари учун солик тўловчиларни танлаш мақсадида уларнинг молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари таҳлили бир неча даражаларни ўз ичига олади, шу жумладан:

- солик тўловлари миқдори ва уларнинг динамикасини таҳлил қилиш орқали ҳисобланган солик тўловлари камайиб бораётган солик тўловчиларни аниқлаш имконини яратиш;
- солик тўловларининг тўланиши ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқнинг ҳар бир тури бўйича тўланган солик тўловлари миқдори ва уларнинг динамикасини таҳлил қилиш;
- солик ва бухгалтерия ҳисботи кўрсаткичларининг таҳлили жорий даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг олдинги даврлардаги мос кўрсаткичлардан сезиларли даражада фарқланиши ёки шу каби соҳада фаолият қилувчи субъектларнинг ҳисбот давридаги ўртacha статистик кўрсаткичларидан оғишларини ҳамда ушбу маълумотлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш;
- солик тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисботлардаги маълумотлар билан солик органида мавжуд бўлган маълумотлар ўртасидаги зиддият ва номувофиқликларни аниқлашга эътибор қаратилади.

Солик текширувларини аниқлашда солик тўловчининг умумий фаолиятининг муҳим жиҳатлари ва барча битимлари, контрагентлари фаолияти ҳам таҳлил қилинади.

Солик хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш Давлат солик қўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари ва таҳлилнинг автоматлаштирилган тизими дастури орқали юритилмоқда. Бу дастур ёрдамида маҳсус алгоритмлар орқали турли манбалардан олинган

маълумотлардан фойдаланиб, тадбиркорлик субъектларининг молиявий – хўжалик фаолияти таҳлил қилинади.

Тадбиркорлик субъектларини сегментланади, яъни кичик, ўрта ва иирик хавф сифатида асосида амалга оширилиб ҳар бир сегмент учун солиқ хавфи алоҳида баллар асосида белгиланади. Солиқ риски даражаси қуидаги солиқ хавфи мезонлари асосида баҳоланади:

- солиқ юки маълум бир соҳа тадбиркорлик субъектлари учун ҳисобланган ўртача даражадан паст бўлиши;
- камерал текшируви натижалари бўйича аниқланган хуқуқбузарликларни бартараф этиш учун тақдим этилган ва солиқ тўловчилар томонидан асослантирувчи хужжат тақдим этилмаган хабарномалар мавжудлиги;
- шахсий карточкаларида солиқ қарздорлигигининг мавжудлиги;
- солиқ ҳисоботларига бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта қайта ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- ҳисббот даври мобайнida рўйхатга олинган юридик манзилни муунтазам равишда ўзгартириш;
- бир ишчига ўртача ойлик иш ҳақи ушбу соҳадаги иқтисодий фаолият турига кўра ўртача даражадан паст бўлиши;
- тадбиркорлик субъектига тегишли бўлмаган тўлов терминалларидан фойдаланиш ва бошқа мезонлар ҳам белгиланиши мумкин.

Солик тўловчиларнинг солик органларига тақдим этган солик ва молиявий ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар

Солик идораларида солик тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши ёки тугатилиши юзасидан маълумот тақдим этадиган идора ва ташкilotларнинг маълумотлари

Чет эл ваколатли органлари билан маълумот алмашиб тўғрисидаги битимлар доирасида тақдим этиладиган маълумотлар

Веб сахифаларидан, ижтимоий тармоқлар ва қонунчиликда таъкиданмаган бошқа манбалардан олинган маълумотлар

Ўтказилган солик назорати натижалари

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг солик ҳуқуқбузарларни бўйича киритган таҳлилий маълумотлари, яъни (хусусий ажрим ва тақдимномалар

Жисмоний ва юридик шахсларнинг содир этилган солик ҳуқуқбузарларни тўғрисидаги мурожаатлари

3-расм. Солик рискини аниқлашда фойдаланиладиган манбалар²

Ўз-ўзини баҳолаш учун мезонлар бўйича хавфлар юқори бўлган ва ушбу хавфларни камайтириш ёки бутунлай йўқ қилишни истаган солик тўловчиларга шубҳали операцияларни амалга оширишдан воз кечиш; контрагентлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиши (лозим даражада эҳтиёткорликка риоя этилиши (СК 15 модда)), юқори солик хавфи билан фаолият олиб борилган даврлар учун янгиланган солик ҳисбботини қайта топшириш тавсия этилади:

Ҳар бир маълумот манбаи учун солик хавфи ва келтириши мумкин бўлган оқибатлар даражасига қараб мезонлар белгиланади, бунда ҳар бир солик хавфи мезонига нисбатан аҳамиятига қараб табақалаштирилган баҳоловчи коэффициент (балл) белгиланади.

Коэффициентни (балл) ҳисоблаш учун ҳар бир мезонга 1 дан 30 гача бўлган балл берилади.

Коэффициентни ҳисоблаш умумий формуласи:

$$\text{Коэф} = \frac{\text{Б M}_1}{(\text{Б M}_1 + \dots + \text{Б M}_n)} \quad (1)$$

бу ерда:

М-солик хавфи мезони;

² Муаллиф томонидан тузилган

М1, ..., Mn - мезон 1, ..., n мезони;
Б - мезоннинг ахамияти бўйича белгиланган балл;
М1, Б ..., Mn Б – 1-мезоннинг , n-мезонининг ахамияти;
n - мезонлар сони.

Текширилаётган объектнинг умумий солиқ хавфи даражаси (ΣP) 0 дан 1000 гача шкала бўйича ҳисобланади ва қўйидаги формулалар бўйича тўпланган балларни йиғиш йўли билан аниқланади:

$$\Sigma P = BK * Ka + \dots BK * Kn \quad (2)$$

бу ерда:

ΣP - солиқ хавфи даражасининг умумий кўрсаткичи;
BK - 0 дан 1000 гача мезон бўйича табақалаштирилган кўрсаткич;
Ka - ишланган мезон № a коеффициенти;
Kn - ишлаган мезоннинг коеффициенти № n;
n - ишлаган мезонлар сони.

Автоматлаштирилган дастур орқали солиқ хавфи мезонлари асосида, баллик тизимида баҳоланган тадбиркорлик субъектлари учта гурухга ажратилиди:

- а) солиқ хавфи юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари (қизил йўлак);
б) солиқ хавфи ўртacha бўлган тадбиркорлик субъектлари (сариқ йўлак);
в) солиқ хавфи паст бўлган тадбиркорлик субъектлари (яшил йўлак).

Солиқ хавфи юқори ва ўртacha бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхати чорак давомида бир маротаба, ҳар чорақдан кейинги ойнинг 25 санасида автоматлаштирилган дастур орқали шакллантирилади ва уларнинг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади. Уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ текшируви белгиланади.

Риск ўртacha (сариқ йўлак) бўлган тадбиркорлик субъектлари эса факат камерал назоратдан ўтказилади ва унинг натижалари бўйича аниқланган тафовутларни бартараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари томонидан аниқлаштирилган қайта ҳисботлар ёки асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилмагандан давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларида текшириш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Солиқ рискларини бошқариш масалаларини таҳлил қилиб, хулоса қилиш мумкинки, республикамиз солиқ тизими, халқаро меъёрлар даражасида ривожланиш томон бормоқда. Бу албатта ўзининг ижобий томонларни кўрсатади. Айтиш керакки, солиқ тизимининг асосий мақсади нафақат бюджетни даромадлар билан тўлдириш балки, тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлмаслиги ва ижтимоий адолатни шакллантиришига хизмат қилиши керак. Шу туфайли солиқ рискларни бошқаришда қуйидагиларга хам эътибор қаратилиши зарур:

-молиявий-иктисодий фаолиятни юритишда контрагент-сотовчилар ёки воситачилар орқали амалга ошириш ҳолатларига яъни "контрагентлар занжири" билан иктиносидий асосли сабабларсиз бизнес мақсадида шартномалар тузилиши соликдан қочишга сабаб бўлади;

-йирик давлат монопол корхоналарида кўп кузатиладиган ҳолат, яъни трансферт нархлардан фойдаланиш орқали давлат корхоналари маблағларининг суистеъмол қилиниш, пул ювиш ҳолатларининг юқори даражадалиги солик рискларининг юқори даражасини белгилайди;

-қурилиш ташкилотларида солик рискларини аниқлаш ва баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни ечишда анча муаммолар мавжуд бўлиб, рискларни баҳолашда қўшилган қиймат солиги бўйича тўловлардан контрагентлар ва уларнинг контрагентларининг хатолари учун хам солик тўловчининг қизик йўлакка тушиб қолиши яъни риски юқори деб баҳоланиши, ҚҚҚ тўловчиси хуқуқининг тўхтатиб қўйилиши, бу соҳада тадбиркорлик фаолият билан шуғулланишда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

- риск даражасини белгилашда аҳоли кам даромадли қатламишининг даромадларини яшириш билан боғлиқ ҳаракатлари риск сифатида баҳоланмаслиги лозим. Демак риск даражасини белгилашда унинг микдорини, минимал чегарасини белгилаш муҳимдир. Энг кам даромад олувчилар деб баҳолангандан 60 турдаги фаолият билан шуғулланувчиларнинг даромад солигидан озод қилинишибу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси (янги таҳрири). 2020 йил
2. 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги қонуни.
3. Тихонов Д.Н., Липник Л.Г. Налоговое планирование и оптимизация налоговых рисков. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2004. – С. 14-15.
4. Козенкова Т.А. Налоговое планирование на предприятия. – М: «АиН», 1999. – С. 15.
5. Филин С.А. Финансовый риск и его составляющие для обеспечения процесса оценки и эффективного управления финансовыми рисками при принятии финансовых управлеченческих решений // Финансы и кредит. – Москва, 2002. – №3. – С.21-31; – №4. – С. 9-23.
6. Евстигнеев Е.Н. Основы налогового планирования. – СПб.: «Питер», 2004.– С. 196, 271.
7. Samariddin Elmırzaev. Tax Risk Assessment and Management in Private Sector: Evidence from Uzbekistan. // European Journal of Business and Management, Vol.7, No.29, 2015
8. З.О.Ахроров, Ш.О.Шермаматов. СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ. // “Сервис” илмий-амалий журнал, 1-сон, 2020 йил.

9. Мамадаминов Назар Юсупович. СОЛИҚ РИСКЛАРИНИ
БОШҚАРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ. // “Иқтисодиёт ва
инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль,
2019 йил. – 9 бет.

http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/6_Mamadaminov.pdf

10. Elmirzaev, S. E. (2017). Improving tax relations in corporate finance management. Abstract of dissertation in economic sciences. Tashkent.

11. www.soliq.uz